

Ўзбекистоннинг Қирғизистон жанубига газ бермай қўйгани сабаби маълум бўлди

Қирғизистон президентлигига собиқ номзод, ҳуқуқ ҳимоячиси Токтайим Уметалиева мамлакат жанубига ўзбек газни берилмай қўйганининг асл сабабини очиклади. Бу ҳақда қирғиз маҳаллий матбуотига таяниб 12news.uz хабар берди.


“Қирғизгаз”нинг собиқ директори Турғунбек Қулмурзаев бизга Ўзбекистондан газ келадиган газ ўтказиш қувурларини Қозоғистонга сотиб юборган. Ўзбекистон томони жанжал чиқариб ўтирмади ва дипломатик равишда жимлик сақлаб қўяолди. Ахир улар сизларнинг мулозимларингиз ўғри, дейишмайдику”, – дея Уметалиеванинг сўзларидан иқтибос келтиради қирғиз матбуоти.

Унинг сўзларига кўра, акциядорлар йиғилишида Қулмурзаев майда улуш эгалари ва давлат мулкни бошқариш Жамғармасига нима учун бундай қилганлигини ва қачон янги қувурлар ётқизиши ҳақида маълумот бериши керак эди.

“У акциядорлар мажлисини йўққа чиқарди ҳамда нима сабабдан балансдан чиқариб олиб давлатнинг кўчар ва кўчмас мулкни сотиб юборганини изоҳламади”, – дейди Уметалиева.

Эслатиб ўтамыз, 2014 йилнинг 14 апрелида “Қирғизгаз” корхонасининг Россия “Газпром”ига сотилганидан сўнг, “Ўзтрансгаз” Қирғизистон жанубига газ етказиб беришни тўхтатиб қўйганди.

UZBEK.FM



«ПРЕЗИДЕНТ» ҚЎРИҚЧИСИ — СНАЙПЕР ЎЗИНИ ОТДИ

“Фарғона” ахборот агентлиги берган хабарга кўра 2014 йилнинг 19 август куни эрталаб соат олти билан еттининг ўртасида Тошкентдаги Афросиёб кўчаси Ўзбекистон ички ишлар вазирлиги биноси ёнидаги №13 уйда истиқомат қилувчи фуқаролар кучли ўқ овозига ўхшаш пақиллаган товушдан уйғониб кетдилар.

Саноқли сониялар ўтиши билан аҳоли яшайдиган турар-жой биноси ҳовлисига одам сиғмай кетди: шу ердаги хонадонлар эгаларидан ташқари бу ерга ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва органлари ва назорат тузилмалари, Ўзбекистон бош прокуратураси қошидаги тергов қўмитаси, турли даражадаги ҳокимият органлари вакиллари ҳамда “Тез ёрдам” медицина ходимларининг бир гуруҳи тўпландилар.

Воқеа шохидларига кўра, уйнинг иккинчи подъезди устидаги томдан бошига ўқ узиб ўз жонига суиқасд қилган ёш йигитнинг жасади олиб туширилди. Бундай ҳолатларда марҳумнинг шахсини ва ҳатто миллатини одий кўз билан деярли аниқлаб бўлмайди.

“Кўринишидан 28-30 ёшлардаги йигитга ўхшади, боши қонталаш гўшт уюмига айланиб кетган экан, унча-мунча одам юрак ботиниб бунақа манзарага қарашга ботина олмайди”, – дейишади воқеа шохидлари.

Ҳалок бўлган йигит президент қўриқчилари гуруҳининг аъзоси тансоқчи-снайпер бўлиб чиқди (уларни халқ орасида “гитарачи” дейишади). Уларнинг вазифаси ҳар куни давлат раҳбарининг Оқсарой қароргоҳидан йўлга чиққанида йўлдаги хавфсизлигини таъминлашдан иборат.

Бугун ҳам снайпер одатдагидек навбатчиликка киришиш учун томга кўтарилди, аммо кейин нима бўлгани – тергов аниқлаши лозим бўлган масала бўлиб қолмоқда. Хулоса чиқаришга ҳали эрта, бироқ давлат раҳбарини қўриқлаш бўйича катта маош тўланадиган ишга унча-мунча одам олинмаслигини ҳисобга олинса, бу ҳодиса синчиклаб ўрганилиши лозим бўлган жумбоқлар сарасига киради дея ишонч билан айта оламыз. Фожиа содир бўлган жойдаги терговчининг хавотирлари ўринли, деб ўйлаймиз: унинг айтишича, “Агар снайпер бошидан ўтган қандайдир инсоний кечинмалар негизда ўз жонига суиқасд қилишга қарор қилган бўлса, руҳий изтироб гирдобиде у милтиғидаги бор ўқларини шу ердан тасодифан ўтаётган йўловчиларга сарфлаб, охирида ўзини ҳам ўлдириши мумкин эди...”

Ушбу ҳодиса тўғрисида ҳеч қанақа расмий хабарлар берилмаган. Ўзбекистоннинг Интернет оммавий воситалари ҳам сукут сақлашмоқда.

УХХ ахборот бўлими



«Қулдорлик режими»да хор бўлаётган икки касб

Мана 2014 йилнинг кузи, яъни халқ тили билан айтганда олтин куз-барча хосилни йиғиб-териб олиш муддати яқинлашиб қолди, энг асосийси, халқ бойлиги ва ифтихори бўлган пахта ҳосилини нес-нобуд қилмасдан йиғиб олиш фурсати яқинлашиб келмоқда. Аммо халқнинг кайфиятида бунинг ифодасини кўрмайсиз, аксинча саросима-қўрқув ва ташвишли нигоҳларни учратиш мумкин.

Бунга сабаб, сўнги йилларда йилдан-йилга авж олиб бораётган мамлакатимизда бюджет ташкилотларида ишловчи барча ходимларни совет даври сарқитидан қолган кампаниявозлик бўлмиш эксплуатация қилиш кенг авж олганлигида кўриш мумкин.

Ушбу эксплуатация оқибатида, айниқса ходимларнинг сони жихатидан энг кўпчилигини ташкил этадиган таълим тизими ва тиббиёт ходимлари кўпроқ жабр кўрмоқдалар. Сабаби ушбу икки касб эгалари вилоят-туманларда барча қора ишларга мажбуран жалб қилинувчи биринчи рақамли текин хизматчиларга, ўрни жоиз бўлса қулларга айлантирилган. Чунки уларнинг қора хизматларига ҳеч қандай ҳақ туланмайди. Ўзбекистон Республикаси Президентини И.А.Каримов ўз маърузаларидан бирида “дунёдаги минг-минглаб касблар орасида иккита буюк касб – шифокорлик ва ўқитувчилик касби борки, улар токи ҳаёт бор экан, ўзининг маъно-мазмуни ва олижаноблигини, аҳамияти ва ҳурматини ҳеч қачон йўқотмайди”, деб алоҳида таъкидлаб ўтган эди.

Аммо ҳақиқий амалиётда бунинг мутлақо аксини кўриш мумкин.

Мактабгача таълим масканларидан тортиб олий ўқув юртларигача, оилавий поликлиникалардан тортиб шифохоналаргача бўлган барча ташкилот ходимларини баҳор фаслидан бошлаб пахтани яғана ва чопиқ қилиш учун далаларга мажбуран ҳайдаш амалиёти кенг тадбиқ этиб келинмоқда. Бу ҳолатни фашист-босқинчиларнинг уруш қилиб босиб олган давлат аҳолисини асосан аёллар ва болаларни Германияга (“Ихтиёрий ўлим ёки ишлаш”) мажбуран ишлатишга юборилгани каби десак, ҳудди ўзидир.

Ўзбекистон маҳаллий ҳукумат раҳбарлари махфий ташкилот кўрқитуви орқали аҳолини ростмана фашистлардек асосан аёлларни болаларни қўшни туманларга пахта плантациясига 10-30 кунгача бўлган муддатга ётоққа кетишга мажбур қилмоқда.

Бунга қаршилик кўрсатганларга эса ишдан ҳайдаш ҳақидаги дўқ-пўписагина эмас ростманасига — агар вилоятларда ходим ишдан ҳайдаладиган бўлса, халқ тили билан айтганда халқ душманига чиқазилиб-унинг ҳолига маймунлар йиғлайди. Сабаби бюджет ташкилотларида фаолият юритувчи барча ходимлар оладиган арзимас ойлигини гарчанд пластикда олиб яна 15-20% гача зарар кўришсаларда, аммо фақат шунинг хисобига кун кўриб, рўзгорини тебратишадилар.

Шу тўғрисида, улар учун ишдан ҳайдалиш, оила бюджетига жуда оғир мусибатларни олиб келиши тайин.

Бундай кишилар, гарчанд ёш авлод онгини ва билимини юқори

даражага кўтара оладиган етук педагог ёки ўз касбининг эгаси ва халқ соғлиғининг ҳақиқий посбони бўлган малакали шифокор бўлсада, улар маҳаллий раҳбарларнинг айтганига юрмай, тинчлигини бузганлиги сабабли ҳам ҳеч қарга ишга олинмайди, ҳатто муружаатлари ҳам кўрилмайди, аксинча ниқобланган касаба қўмиталари ҳам, ишчи хизматчиларнинг манфаатини эмас, айнан раҳбарларнинг манфаатини кўзлаб иш кўрадилар.

Бундан ташқари вилоятларда пахта далаларида чопиқ ишлари бошлангунга қадар ўқитувчи ва тиббиёт ходимларини кўчалар, катта йўллар ва темир йўл атрофларини тозалатиш ишларига мажбуран жалб қилиш одатий ҳолга айланиб қолди!

Давлат ушбу касб эгаларини қўча супуриш ва ободончилик ишлари учун катта харажатлар билан ўқитганмикан, шунинг учун олий маълумот бериш шартмикан?...

Пахта йиғим-теримининг бошланиши ўқитувчилар ва тиббиёт ходимлари учун энг оғир давр ҳисобланади. Барча вилоятларда, хусусан, сўнги йилларда пойтахт – Тошкент шаҳрида ҳам ўқитувчилар ва тиббиёт ходимларини пахта териш учун пахта далаларига ҳайдалмоқда.

Вилоятларда қўшни туманларга, Тошкент шаҳрида эса қўшни вилоятларга ишчи-ходимлар қул-хашарчи сифатида ётоққа олиб кетилади. Олий маълумотли профессор-ўқитувчилар, устозлар-маърифат тарқатувчилар, ҳамда олий маълумотли юқори малакали шифокорлар ва тиббиёт ходимлари пахта далаларидаги оғир шароитлар тўғрисида ўз соғлиқларини ҳам йўқотишмоқдалар.

Улар умуман шароити бўлмаган, чорва моллари, паррандалар сақланадиган биноларда ёки кимёвий ўғитлар сақланадиган омборхона вазифасини ўтаб келган очиқ сочиқ дераза ойналари йўқ шийпонларда ётишга мажбур бўлмоқда.

Сабаби илгари дала шийпонлари бўлган эски биноларда ҳозирда фермерларнинг чорва моллари ва паррандаси боқилади.

Энг ачинарлиси, пахта йиғим-теримига борган кўпчилик ҳашарчилар уларига қарздор бўлиб қайтишади.

Пахта далаларида ҳар бир ҳашарчи учун пахта териш нормаси белгиланган. Шундай аламли оғир шароитларда ҳашарчилар пахта териш, ўзларига белгиланган нормани бажаришга мажбур қилинмоқда.

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)



Бунинг билан биз пахтани термаслик керак демоқчи эмасмиз, аксинча масалага тўғри ечим топиш лозим.

Пахта учун ҳақни тўғри белгиланса, (масалан Қозоғистонда 1 кг пахта терганлиги учун бизниқидан 5 баробар кўп ҳақ тўланмоқда, аммо Қозоғистон пахта саноати касодга учраган эмас) пахта ҳосилини йиғиб олиш учун халқ ўз ихтиёрлари билан боришади. Ана унда давлат фермерларни эксплуатация қилмайди, фермерлар қишлоқ ишчи-хизматчиларни эксплуатация қилмайди, қишлоқ аҳли уз навбатида шаҳардик педагог ва шифокорларни эксплуатация қилмайди ва натижада ўз-ўзидан ижтимоий адолат ўрнатилади.

Бизда бўлса, шаҳар ва туман марказларида ишлайдиган олий маълумотли етук педагог ва шифокорлар пахта даласида «ЖАВЛОН» ураётган бир пайтда, айнан пахта далалари ҳудудидаги қишлоқларда яшовчи ва ҳеч қаерда ишламайдиган аҳоли қатлами нима билан машғул? — «Бизнес» билан!

Яъни, ўз ҳудудидаги пахтани териши ва ундан манфаат кўриши нақд бўлган қишлоқ аҳолиси, шаҳарлик олий маълумотли етук мутахассисларни чув туширишга ўтиб олишган, яъни педагог ёки шифокорга, бир ойга «гуёки ёлланади» ва эвазига 400минг сўм нақд пул олиб, ҳамда ўз пахтасини терганлиги учун пахта пулини олиб ва фермердан ғузапоямия ёки бошқа келишувларми, хуллас ўз иши билан шуғулланаверади.

Аммо, 400-500минг сўм ойлигини фақат пластикда, ҳамда шуни ҳам ўз вақтида ололмайдиган (бир сўм ҳам нақд ойлик берилмайди бу ёзилмаган қонун бюджет ташкилотлари учун) бечора шаҳарлик устоз ёки шифокор ёлланма ишчи учун 400минг сумни нақдни олдиндан бериши шарт.

Буни ватанпарварлик деб аташ керакмикин ёки мутелик деб билмадим?

Масаланинг иккинчи томонига эътибор берадиган бўлсак, пахта

йиғим-теримига кетган ўқитувчи-устозларнинг дарслари умуман ўтилмаяпти, ўқувчилар дарс вақтларида устозларнинг йўқлиги сабабли бекор ўтиришиб, билимсиз қолиб кетишмоқда. Ўқитувчи-устозлар-воёга етиб келаётган ёш авлоднинг онги ва билими-маънавий соғлиги учун масъул, ҳамда малакали шифокорлар тиббиёт ходимлари — халқнинг руҳияти ва тан-соғлиги учун масъул бўлганлар, ёппасига узлуксиз равишда ҳар хилдаги куча тозалашдан тортиб бошқа қора ишларга, «ҳашар номи билан» мажбуран жалб қилинадиган бўлса, ўсиб келаётган ёш авлодга, фарзандларимизнинг онгини-билимини- маънавиятини ким асрайди, ким уларнинг тан-соғлигини ва руҳий баркамоллигини асрайди.

«Фарзандлари соғлом ва билимли бўлган юртнинг келажаги буюқдир»-деган чақирик, фақатгина қоғоз учун-кўз буямачилик учунга ўхшаб қолмоқда.

Фарзандларимиз-келажагимиз тақдирига бундай эътиборсизлик, келажакда ўта жиддий салбий оқибатларни олиб келиши, кундай равшанку!

Ушбу фикримизга 2013 йилдаги воқеа яққол мисол бўла олади: Тошкент вилояти Оҳангарон туманидаги 1200 дан ортиқ ўқувчи таълим олаётган 52-ўрта мактабда 2013 йил май ойидан бошлаб директор лавозимида «ишлаб келаётган» 57 ёшли, оиласиз, фарзандсиз, меҳр булоғидан бебахра, муқаддам судланган-пензионер «хоним» — Қандолат Мухторова 65 нафар ўқитувчини, онгсиз равишда ёшларга оид давлат сиёсати-га қарши чиқиб, маҳаллий раҳбарларнинг кўзига яхши кўриниш учун хаммани 100% пахта теримига сафарбар этган. Мактабдаги 1200 нафар ўқувчига, 52-мактаб директори Қандолат Мухторованинг лоқайдлиги —мансабпарастлиги ва лаганбардорлиги сабабли, 1200 нафар ўқувчини ўқитиш учун 65 нафар ўқитувчи ўрнига 5-6та ўқитувчи «билим» бериш учун мактабда қолган!

52-ўрта мактабнинг 90% ўқитувчилари 18 сентябрдан бошлаб пахта теримига гуёки жавлон уришга сафарбар этилган ва натижада ёш авлодга талим-тарбия бериш ўрнига ўқитувчиларнинг куни пахта ғузапояларининг шудринги орасида пахта йўқлигидан бесамар ўтган., уйларига эса еган овқатлари учун қарздор бўлиб қайтишганлар. Бунга сабаб эса, пахта далаларида ҳосил қолмаган бўлса-да, ҳашарчиларнинг далаларда «сон» бўлиб туриши каби маҳаллий раҳбарларнинг маҳаллий сиёсатлари туфайли улар

далаларда қолишларига мажбур қилиниши оқибатидир.

«Гуёки пахта далаларида фалончи миқдорда ҳашарчилар жавлон уриб пахта теришмоқда!», -деган сохта хабар бериш учун шундай қилинганлигидир!.

Оҳангарон туман Халқ таълими бошқармаси мудир Эрназаров Абдуқаҳҳор — 52-мактаб директорининг ушбу ишларидан хабардор бўлса-да, бу ҳолатга кўз юмиб панжа орасидан қараган, сабаби нима-да экан..!?

Оҳангарон туман прокуратураси нега судланган шахсни масъул лавозимга, маънавият ўчоғига раҳбарэтибишгатайинланганлигига эътиборсиз қарайди?! Маънавият ўчоғидаги аҳвол шуми, муносабат шуми?!

Ушбу ҳолатни, ҳаракатсиз халққа қарши исён, ёки геноцитизм деб баҳолаш мумкин, суянчиқлари вилоят ташкилотларида эканликларини сезиш мумкин.

Чунки, ушбу муқаддам судланган-пензионер «хоним»нинг директор лавозимига тайинланишида, унинг автобиографияси ва меҳнат фаолияти, вилоят халқ таълими мутасадди раҳбарлари томонидан чуқур ўрганиб чиқилганидан кейингина, тасдиқланишини назарда тутсак, мактабга директорни тайинлаш ва иш фаолиятини назорат қилишга масъул бўлган барча ташкилотлардаги раҳбарларни жазога тортилмоғи лозим бўлар эди-токи бу каби ҳолат иккинчи бор такрорланмаслиги учун.

Оҳангарон туманидаги 52-ўрта таълим мактаби ёшларининг таълим тарбиясига бўлган совуққонлик ва лоқайдликни бир мисолда келтиришимиз бэжиз эмас. Сабаби бундай мисолларни бошқа мактабларда ҳам кўриш мумкин.

Бундайн халқ таълими ва қолаверса бошқа соҳалардаги салбий ҳолатлар, ўз-ўзидан давлатнинг давлат сифатидаги халқаро майдондаги нуфузининг пасайишига ҳам олиб келади!

Шуни унутмаслик керакки, ҳукумат қанчалар зуғм-мажбурлаш ва қийноқ усулларни қўллагансин Фуқароларнинг ҳокимият органларига ишончи йўқолмасин!.

Инсонларнинг ҳуқуқий маданиятга бўлган интилиши йўқолмасин!.

Пичоқ суяккача бориб тақалмасидан бурун, бунинг олдини олишга ҳаракат қилинсин!

Инсонни сиёсатдан — бор ҳақиқатни гапиришдан маҳрум этиш, фарзандлари келажакга тўғрисида қайғуришдан маҳрум этишдир —деган экан машхур Француз-адиби.

Холдор Равшан

«Камбағални туянинг устида ҳам ит қопади» дейди халқимиз, халқимизнинг бу мақоли ҳозир унинг ўз ҳаёти мисолида оғрикли бир шаклда ўз исботини топмоқда. Яъний, халқимиз бугун камбағалдир ва у минган туялар итларнинг қошишларидан уни асрай олмаяпти. Камбағалга нисбатан «ит ҳурар, карвон ўтар» деган бошқа бир мақол ҳам амал қилмас экан, ит фақат ҳурибгина қолмай, камбағални тишлаши ҳам мумкин экан.

Муаммо нимада, камбағал минган туя пастми ёки камбағалга тиш қайраган итларнинг бўйи узунми? Муаммо икковида ҳам деса бўлади, аниқроғи, асос муаммо шундаки, камбағал халқимизнинг руҳий-маънавий-зеҳний савияси ўзи минган туянинг бўйини паст қилиб, ўзини қопадиган итларнинг бўйини бир паҳса ўстирадиган аҳволдадир.

Масалан, халқимиз минган Инсон Ҳақлари бўйича бутун давлатлар томонидан имзоланган халқаро қонунлар туяси ҳам уни, халқимизни ҳар хил кўппақларнинг тишларидан асрай олмаяпти. Дайтайлик, Андижондаги ёки Ўшдаги сингари бир қатлиом ўзбеклар яшамаган бошқа бир ўлкада амалга оширилганида эди, бирон бир ўзини ёки тўғрироғи, ушбу қатлиом қилинган халқни ҳурмат қиладиган ҳукумат ёки давлат Ўзбекистон ёки Қирғизистон каби давлатлар билан ҳозиргидай илиқ алоқалар ўрнатиш у ёқда турсин, унинг раҳбарлари билан қўли олиб кўришишдан ҳам жирканган бўларди.

Ўтган йили Швецияда Обидхон қорига қарши қилинган суиқасд иштирокчиларининг Швеция маҳкамаси томонидан озодликка қўйиб юборилиши ёки Швейцария маҳкамасининг Ўзбекистон президентининг қизи Г.Каримова билан бирга амалга оширган жиноий ишларда айбланаётган кишиларнинг катта пул эвазига қўйиб юборилиши — бу одамларнинг айбдорлиги ва ёки айбсизлиги ёки ушбу давлатлар маҳкамасининг қонуний ва ёки ноқонуний қарорлар чиқаргани ҳақида мулоҳазадан кўра кўпроқ ўзбекларнинг халқаро миқёсда халқ ўлароқ нуфузи нақадар пастлиги ҳақида фикрни уйғотади.

Агар Русияда ҳар йили тақирбошлар тарафидан ўлдирилаётган ва ҳар хил қулдорлар тарафидан қул қилиб сотилаётган ўн минглаб одамлар ўзбек бўлмаганида эди, аллақачон бундай жиноятлар халқаро жанжалга айланиб,

давлатлар ўртасида бир-бирига қарши турли санкциялар эълон қилиш даражасигача борилган бўларди.

Яъний, халқимиздаги туянинг бўйини паст қилиб, итларнинг бўйини юксалтираётган камбағаллик, энг аввало, руҳий-маънавий-зеҳний камбағалликдир, моддий камбағаллик эса, ушбу қашшоқликнинг оқибати, холос.



Мақсуд Бекжон: Сабаб ва оқибатлар

Юқорида кўрсатилган сабабларга кўра, халқимиз асоциал, яъний, жамиятга ёт, жамият ташқарисидаги индивидга айланган.

Халқимизда «хатти-ҳаракат типи»(русчада «тип поведения») мавжуд эмас. Унда бугунги кунда на анъанавий, на диний бир пойдевор бор. Рус истилосидан аввал ўзбекларда диний заминга қурилган аниқ-тиниқ бир «хатти-ҳаракат типи» мавжуд эди, бу қолип ичида яшаган ўзбек ҳамма нарсанинг чегарасини аниқ билар ва бу чегара бошқалар ёки ўзи тарафидан бузилганида ҳам нима қилишини ва нималар бўлиши мумкинлигини аниқ биларди ва бу ишонч ва аминлик жамиятдаги тартиб-интизом ва қонунчиликнинг асоси ҳисобланар эди. Атеист коммунистлар инкилобидан сўнг жамият остидаги диний замин ер билан яқсон қилинди, унинг ўрнига ҳеч қандай ижтимоий-маданий-диний заминга эга бўлмаган, фақат «ишчи-деҳқонлар»дан иборат бўлган советлар жамияти барпо этилди ва бу жамиятдаги бош кадрят «ҳақиқий ишчи-деҳқон» бўлишдангина иборат эди. Ўзининг диний-маънавий пойдеворидан маҳрум бўлиб, унинг ўрнини замонавий секуляр жамият қарашлари билан эмас, балки утопик, хаёлий «ишчи-деҳқон» хатти-ҳаракат типи билан тўлдирган ўзбек жамияти маънавий-руҳий фалажликка юз тутди.

Албатта, ўзбеклардан бошқа Советлар ҳокимияти остидаги кўплаб ўзга халқлар ҳам ана шундай маданий-маънавий эксперимент зугуми остида қолди, аммо ҳеч бир халққа советлар ҳокимияти ўзбекларга қаратгани сингари кўп эътибор (салбий маънода) қаратмади, бу эътибор Ўзбекистон ҳудудида деярли 30 йил давом этган «босмачилик» деб аталмиш миллий озодлик ҳаракати миқёсига эквивалент, тенг эди. Бугун ўзбек

халқи изланиш жараёнини бошдан кечирмоқда, у бугун Русияга ва бошқа чет ўлкаларга фақат пул топиш учун эмас, балки, ўзини, ўзлигини топиш учун ҳам гурос-гурос бўлиб, йўлга чиқмоқда ва бу йўлда кўплаб қурбонлар бермоқда. Бугун ўзбекларни Австралия ва Кореядан тортиб, Русиянинг шаҳар ва қишлоқларигача; Покистон ва Афғонистонда тортиб, Чеченистон ва Суриягача; Оврупо қитъасидан тортиб, Америка қитъасигача бўлган кенгликларда кўриш мумкин.

Бугун халқимиз учун туя устида ит қопган камбағал ҳақидаги мақол баробарида унинг «мусофир бўлмагунча мусулмон бўлмас» деган бошқа бир мақоли ҳам кун тартибда турибди. Бу мусофирлик халқимиздаги уни ерга урувчи кибр ва манманлик ўрнини уни юксалтирувчи ғурур ва ифтихор билан алмаштирмагунча, ўз миллатини, яқинларини кадрлаб, улар учун жон фидо этишга тайёр бўлмагунча давом этади.

Бу мақолада Ўзбекистондаги мустабид режим ҳақида бир оғиз ҳам гапирмадим, чунки, бу режим Сабаб эмас, Оқибатдир. Фикримни советлар пайтида ёзилган бир шеърим билан яқунлайман:

ТАРОЗИ

*Ҳаёти оғир эди унинг,
Елкасидаги пахта тўла қанор
каби оғир,
Чарчоқдан юмилиб кетаётган
қовоқлари сингари,
Ва зил-замбил хаёллари каби
оғир эди ҳаёти...
Ҳаёти оғир эди боёқшининг,
Хўжайинининг муштлари ундан
ҳам оғир,
Ҳақоратлари эса, янада
оғирроқ...
Ўзи эса, буларнинг барини
Кўтаршига қодир оғир одам
эди...*

Мақсуд Бекжон



Маҳаллий ҳокимиятнинг ноқонуний қарорлари

Ўзбекистон адлия органлари тадбиркорлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ижросини ўрганиш мобайнида 2014 йил бошидан бери давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари томонидан қабул қилинган 529 та ноқонуний қарорни бекор қилди.

Ушбу маълумот Ўзбекистон Адлия вазирлиги томонидан ташкил қилинган матбуот анжумани вақтида билдирилди.

Маҳаллий ҳокимият органлари томонидан қабул қилинадиган қарорларнинг қонунийлиги масаласи ҳар доим тортишувларга сабаб бўлиб келади. Асосан туман ҳокимлари томонидан қабул қилинадиган қарорларнинг қонунга мувофиқлиги билан боғлиқ даъволар хўжалик судларида кўриб

ҳолларда олдиндан билади.

«Агар ҳоким қарори Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида қабул қилинган бўлса, ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунчилигига мувофиқ келиш ёки қелмаслигидан қатъий назар суд маҳаллий ҳокимият фойдасига қарор қабул қилади. Агарда туман ҳокими қарори ўз ташаббуси билан қабул қилинган ҳолларда даъвогарда оз бўлсада ютиш имкониятлари сақланиб қолади», — дейди суҳбатдош.

чиқиладиган ишларнинг асосий қисмини ташкил қилади.

Исмани ошқора қилмаслигимизни истаган туман ҳокимияти ҳуқуқшуносининг сўзларига кўра, ҳокимиятни тамсил қилувчи ҳар қандай ҳуқуқшунос суд процессида қатнашар экан, кўриладиган иш туман ҳокими қарорини бекор қилиш билан боғлиқ бўлса мазкур иш бўйича суд қарори қандай бўлишини аксарият

Қайд этиш жоизки, Адлия вазирлигининг маълумот беришича, 2014 йил 18 август ҳолатига кўра қиймати 11 млрд. 5000 млн. сўмлик 766 та хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар манфаатини кўзловчи даъво аризалари судларга киритилган.

ЎХХ ахборот бўлими

Мен билан суҳбатда бўлган Хоразм вилояти Боғот туманида яшовчи бир дўстимнинг менга айтишича у киши ҳамма юртдошларимиз каби 1992 йилдаги 12 фоизли ички ютуққа эга бўлган заём сохиби бўлган ва шу йилнинг июн ойида бу заёмларни катта хурсандчилик ва катта умидлар билан Халқ банкининг боғот туман бўлимига обориб топширган эди.

Кунлар ўтиб август ҳам келди ва катта орзулар билан Халқ банкига борди ва у амин бўлдики бу (ютукли) заёмларини ҳеч қандай ютуққа эга эмаслиги ўзи хаёл қилгандек қоп қоп пул ола билмаслигини тушуниб етди ва шунда аниқ билдики давлатнинг бу қилаётган ўйинларига барҳам бериш кераклиги бунинг учун ҳамма бир ёқадан бош чиқариб бирлашиши кераклигини англаб етди.

У яна бир аниқ фактлар билан давлат бу заёмларга пулни халқнинг ўзидан олиб ўзига арзимас нархдан бераётганини айтиб қолди. Бир бошдан гапириб беришини илтимос қилганимда ўзи яшаб турган Хоразм вилоятининг Боғот туманидаги банклар яни Халқ банки ва Агро банклари томонидан ютукли лотереялар сотилаётганини айтди. Шунда мен — ахир банкларнинг мажбурлаб лотереялар сотиши ҳар доим ҳам бўлганку, десам дўстим — бу сафар бу банклар кўзбўямачиликнинг янги усулини ўйлаб топишгандан бахс этди.

Унинг айтишича, бу билан



Ошқора кўзбўямачилик

давлат халқнинг пулларини олиб ўзига заёми учун қайтаради. Катта кўламдаги бу лотереялар савдоси бошида қизиқ турган, бироқ кейин аста-секин одамларнинг ҳам жонига теккан. Ютуқ чиқмаганидан сўнг одамларнинг жонига тегиши ҳам тайин эди. Банк ходимлари бунинг ҳам иложини топишган. Боғот туманининг Ўзбекистон кўчасида жойлашган Халқ банки биносининг олдида яп янги CHEVROLET COBALT машинасига ленталар ўраб қўйиб қўйишган.

«Кейин мен ҳам қизиқиш билан Халқ банки биносининг олдида стол стол қўйиб олиб лотерея билетларини сотаётган қизлардан биттагина беришларини сўрадим ва олиб орқа томонини ўқиб кўрсам

ютуклар рўйхатида ҳеч қанака CHEVROLET COBALT йўқлигини кўрдим. Шундан сўнг қизлардан — қани бу ерда фақат 50 млн сўмлик ютуқ ёзилганку ҳеч қанака машина йўқку десам, улар менга — тоға шу 50 млн.ни ютсангиз мана шу машинани олиб кетаверасиз дейишди.

Бундай ишнинг самарасини кўришган Боғот тумани Ўзбекистон кўчасида жайлашган Агро банк ходимлари ҳам биносининг олдида CHEVROLET COBALT машинасини қўйиб қўйишди. Бу нарса мени унчалик ҳайратга солмади нимагаки ҳамма нарса менга кундек равшан бўлиб бўлганди», — дейди Боғотлик дўстим.

Жалил Жалилов

Тошкентда «Тахта бозор» ёниб кетди

18 август куни тунда халқ орасида «Тахта бозори» номи билан аталадиган ёзоч ва тахта бозорида ёнғин юз берди.

Ўзбекистон ИИБ матбуот хизматининг маълумот беришича, воқеа жойига етиб келган ўт ўчириш хизмати ёнғинни бартараф қилишга муваффақ бўлган.

Ёнғинда жабр кўрганлар ва қурбонларнинг йўқлиги айтилмоқда.

Ёнғин натижасида ёғоч махсулотлари жойлашган 300 метр квадрат хууд ёнган.

Ёнғин оловдан эҳтиётсизлик билан фойдаланиш натижасида келиб чиққани айтилмоқда.

Ҳозирда ёнғин натижасида кўрилган зарар ҳисоблаб чиқилмоқда.

Эслатиб ўтамиз, аввалроқ Тошкент шаҳри чеккасидаги бошқа бир бозор – «Чинни бозор»да ёнғин содир бўлганди. 12 августга ўтар кечаси содир бўлган ёнғин натижасида 160 дан ортиқ дўконнинг ёниб кетгани ҳақида хабар бергандик. Орадан бир неча кун ўтиб 17 август куни Алишер Навоий номи Самарқанд давлат университетида ёнғин содир бўлди. Ёнғин оқибатида тарих ва математика факультетлари жойлашган биносининг иккинчи қаватидаги ўнтача хона жиддий зарар кўрди.



ЎХХ ахборот бўлими



Шаққий Мирзиёновнинг талабалик йиллари ҳақида

Шаққий Мирзиёнов уч йил Тошкент қатнаб, бирор-бир институтга кира олмапти.

Охири эри оёқ тиркашига қарамай, ўгай она эшигидаги бор жонзотни бозорга олиб чиқиб сотипти. Қозикда сигир, кўрада қўй қолмапти. Товуқкатак хувуллаб қолипти. Бироз етмаганини мактаб қоравулидан қарз кўтариб, онаизор саккиз минг рублни мактаб мудирининг қўлига олиб бориб тутқазипти. Халқ тилида «Иригасия» деб аталадиган институтда таниши бор мудир, шундан сўнг «қайдасан Тошкент» деб йўлга чиқипти. Хуллас, ўша йили Шаққий институт талабаси бўлипти. Пора бериб ўқишга киритиб ҳам арзандасидан тутула олмаган ўгай она, яна икки йил уни дея бошини тўрт деворга урипти. У еб-ичишдан, кийим бошдан онаси туфайли тақчиллик кўрмапти. Учинчи йил у уйига коплаб пул

ташишни бошлапти. Охир-оқибат институт ректорини илтириган Шаққийнинг ови бароридан келиб, қаллобликнинг катта кўчасига чиқиб олипти. Ўқишга киритишда воситачилиқдан иш бошлаб, тезда ўқитувчилар орасида устамонлиги билан ном қозонипти. Иمتиҳонларни топшира олмаган кизларни деканларга ва ректорга тўғирлаб, уларнинг мушқулини осон этипти. Довруғи Тошкентни тутиб, хувайри замон бўлиб

кетипти. Ректор билан қаттиқ чиқишиб қолиб, мислсиз даражада разолат ва қабоҳатларни амалга оширишнинг ҳар хил усулларини ўрганиб олипти. Ошкоралик йилларида, у институтда комсомол секретари бўлиб ишлар экан. Каримов сингари ич-ичидан Горбачев сиёсатиға қарши экан. Буни бугун ҳеч қим унутмаган эмиш. Ўзбекистонда миллий озодлик ҳаракатлари бошлангач, у Каримов тарафида туриб, ўзбек йигит-қизлари орасидан етишиб чиққан миллат фидойиларини СССРға қарши чиққан экстремистлар сифатида, талабалик бахтидан маҳрум этади. Ўзбекистоннинг мустақиллиги учун курашган ўқитувчиларни бадном қилиб, нечаларини ишдан ҳайдайди. Бойлик ва мансаб орттириш учун майдонга отилган Шаққий учун на миллат, на бир ватан бор эди...

Эргаш Сулаймон

Ушалмаган орзу туфайли машина ўғирланди

Бўка тумани ИИБ ходимлари 27-ёшли фуқарога тегишли бўлган «Спарк» русумли автомобилнинг ўғирланиши билан боғлиқ жиноятни очишди, деб ёзади 12news.uz.

«Кўлга олиш» режаси бўйича амалга оширилган тезкор тадбирлар натижасида ўғирланган машина туман кўчаларидан бирида ташлаб кетилган ҳолда топилган, ўғри эса шу туманда яшовчи ҳеч қаерда ишламайдиган 42 ёшли фуқаро эканлиги аниқланган.

ИИБ «Постда» газетасининг ёзишича: «Кўлга олинган шахс ўз қилмишини ҳар доим ўз автомобили бўлишини орзу қилгани, бироқ унинг бу орзуси ушалмагани билан изохлаган. Қаровчиз қолдирилган машинани кўрган ўзини тутиб туrolмаган ва уни миниб сайр қилишга қарор қилган. Автомобилга ҳеч қандай техник зиён етказилмаган».

UZBEK.FM



Бундан 23 йил аввал 19 август кунни кўркмаслар Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси биносига келиб милисага қарши туришган.

19 август кунни Ўзбекистондаги Эрк партияси ва Бирлик ҳаракати фаоллари Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси котиби Муҳаммад Солиҳнинг хонасида тўпланишди.

Муҳаммад Солиҳ 1991 йилнинг 19 августиди ГКЧПга қарши баёнот



Коммунистларга дўппи тор келган кун

берди ва бу баёнот Озодлик радиоси орқали ўқиб берилди.

Муҳаммад Солиҳ Горбачевга содик бўлган Каримовнинг дўппи тор келганида бирданига унга хоинлик қилганини эслайди:

-Каримовнинг 1991 йил 19-21 август кунлари бўлган Янаев путчига қарши чиқишини кўриб, Москва жуда хайрон қолди.

Биринчи навбатда Горбачёв жуда хайратга тушди. Чунки Совет иттифоқини энг охириги дамларгача ҳимоя қилган одам Каримов эди, дея эслайди Муҳаммад Солиҳ.

20 август кунни Муҳаммад Солиҳни қўллаб қувватлаш учун Ёзувчилар уюшмасига одамлар кела бошлади.

Ўша пайтда ёзувчилар уюшмасида ишлаган журналист Қудрат Бобожон эслайди:

20 август кунни йиғилдик. Лекин орадан 5 дақиқа ҳам ўтмасдан Ёзувчилар Уюшмасининг биноси бир неча автобусда келган милиция

тарафидан босилди. Милиция ҳаммани тарқаб кетишга буюрди. Кейин эса Шухрат Исматуллаев, Миролим Одиллов ва журналист Анвар Усмоновни Олой бозори орқасида жойлашган шаҳар прокуратурасига олиб келишди. Шунингдек рассом Куромбой ва Кагаров деган мухолиф кайфиятдаги рассомларни ҳам хибсга олишди. Уларни шаҳар прокурорининг ўринбосари Анвар Мирзаев сўроқ қилди. У киши ГКЧПнинг қарори бўйича мажлислар ва оммавий акциялар ўтказиш тақиқлангани, биз эса бу қарорни бузиб осойишталикка таҳдид солганимиз боис жазога тортилишимизни билдиришди. Мени эса Ўзбекистон президенти Каримов ҳақида Москва матбуотида салбий мақола ёзган дея айблашди. ГКЧП мағлубияти боис қамалмасдан қолдим, дейди Қудрат Бобожон.

Шухрат Бобожон

“Матиз”да пиёданни туртиб ўлдирган милиционер қўлга олинди

Хуқуқни муҳофаза қилиш органлари 18 август кунни соат 23:05да Тошкентнинг Темур Малик кўчасида “Матиз” русумидаги автомобилда пиёданни туртиб юборган милиционерни қўлга олишди.

Бу ҳақда ИИБ даги манбаси берган маълумотга таяниб “Новый век” хабар тарқатди.

Маст ҳолатда машина бошқарган ва пиёданни туртиб юборган милиционернинг Тошкент шаҳар ИИБ транспорт бўлими бошлиғи подполковник Раҳматулла Сатторов эканлиги аниқланди. У жабрланувчига биринчи тез ёрдамни кўрсатмасдан қочиб кетган ва воқеа жойидан яширинган.

Воқеадан ярим соат ўтиб тез ёрдам етиб келган ва жабрланувчини касалхонага олиб кетган. Бироқ жароҳатларнинг оғирлиги сабабли жабрланувчи касалхонада вафот этган. Жабрланувчининг Чирчиқ шаҳар солиқ инспекцияси ходими 1971 йилда туғилган Бахтиёр Усанов эканлиги маълум бўлди.

Милиция подполковниги Сатторов ходиса вақтида у билан машинада бўлган куёвини айбни ўз бўйнига олишга кўндиришга уринган, бироқ у рози бўлмаган. Воқеадан тўрт соат ўтганидан сўнг Йўл ҳаракати хавфсизлик бошқармаси ходимлари томонидан Сатторов қўлга олинган.

UZBEK.FM

Самарқанд давлат университетиди ёнғин юз берди

Самарқанддаги муҳбиримизнинг хабар беришича, бугун — 17 август кунни соат тахминан эрталабги 10-11 ларда Алишер Навоий номли Самарқанд давлат университетиди ёнғин содир бўлди.

Бундан бир неча кун олдин, 12 август кунни Тошкент вилоятининг Зангиота туманида жойлашган чинни бозорида содир бўлган ёнғин оқибатида бозорда жойлашган савдо дўконларининг деярли ярми ёниб кул бўлган бўлса, ёнғин гувоҳларининг айтишича Университетнинг юзлаб хоналари бўлган тарих ва математика факультетлари жойлашган биносининг иккинчи қаватида содир бўлган ёнғиндан ўнтача хона жиддий зарар кўрган.

Гувоҳлар ёнғинга қарши ишлатиладиган техник воситаларнинг ўз вақтида етиб келгани туфайли талофат кўлами кенгайишининг олди олинганини айтишмоқда. Ёнғин содир бўлган бинонинг ички ишлар идораси ходимлари томонидан жиддий куриқланаётгани боис муҳбиримизнинг ёнғин содир бўлган жойга яқинлашиш ва кўшимча маълумот олишига имкони бўлмади.

ЎХХ ахборот бўлими

Ўзбекистон Бошқирдистондаги нолегал меҳнат муҳожирлар сони бўйича етакчи

Бошқирдистон бўйича суд назоратчилари Хизмати 2014 йил бошидан бери республикадан 358 та нолегал меҳнат муҳожирларни, шу жумладан 23 та аёлни чиқариб юборган.

Суд назоратчилари Федерал Хизматининг Бошқирдистон бўйича бошқармаси матбуот хизматиға таяниб CA-NEWS агентлигининг хабар беришича, статистикаға кўра чиқариб юборилганларнинг 211 таси Ўзбекистонға, 47 таси Тожикистонға қайтарилган. Қолганлари эса Грузия, Озарбайжон ва бошқа давлатларнинг фуқароларидир.

Идоранинг маълум қилишича, Россия ҳудудида нолегал тарзда яшаб юрган ва миграция қонунчилигини бузган яна 58 та одам яқин кунлар ичида чиқариб юборилиши кутилмоқда.

UZBEK.FM

(Давоми: Боши олдинги сонда)



Ҳазрати Марямнинг хомила бўлиши ва Исо алайҳиссаломнинг туғилиши

Ҳазрати Марям Масжиддаги хонасида ўзини шу қадар ибодатга бердики, у замонда унга монанд ҳеч ким йўқ эди.

Ҳазрати Марямга ҳатто Закариё алайҳиссаломни ҳам ҳавас қилдирадиган даражада руҳоний ҳоллар зуҳур этиб, малаклар унга муждалар бера бошлаганди (39).

Бу ҳусусида Куръони Каримда шундай баён қилинади:

Малаклар Марям: Эй Марям, шубҳасиз, Аллоҳ сени танлади. Сени пок етиштирди, бутун оламларнинг хотинларидан афзал айлади. Эй Марям, Роббингга итоат қил ва рукуъ қилгувчилар билан бирга сажда ва рукуъ (қил), деганларини эсланг! (40)

Эсланг, Малаклар: “Эй Марям, шубҳасиз Аллоҳ сенга Ўз сўзини муждалайди-ки:

Унинг исми Ал-Масих Исо бинни Марям бўлиб, дунё-ю охирада шони юксак, (Аллоҳга) яқинлардан бўлажак. Бешикда ётганда ҳам, вояга етганидек инсонлар билан гаплашади ва у солихлардан (бўлади).” (41)

Ҳазрати Марям йигирма (42) ва ёки ўн беш ёки ўн уч ёшида экан, Жаброил алайҳиссалом унинг ёнига келади (43).

Ҳазрати Марямнинг хомила қолиши Куръони Каримда шундай ифодаланади:

“(Эй Мухаммад), ушбу китобда (яъни Куръонда) Марямни зикр қилинг. У ўз оиласидан четга-кун чиқар томонга бориб, улардан беркиниб олган пайтида, Биз унга ўз руҳимиз - (яъни Жаброил)ни

юбордик. Бас у (Марямга) бус-бутун (рўй-рост) одам бўлиб кўринди.

(Марям унга):

- Мен Раҳмонга (яъни Аллоҳга) сиғиниб сандан паноҳ беришини илтижо қилурман. Агар (Аллоҳдан) кўркувчи бўлсанг (менга зиён етказмагил), — деди.

(Жаброил) айтди:

- (Кўркмагин,) мен фақат сенга бир покиза ўғил ҳадя қилиш учун (келган) Парвардигорингнинг элчилариданман, холос.

(Марям) деди:

- Менга одамзод тегмаган бўлса, бузук аёл бўлмасам, менда қаёқдан фарзанд бўлсин?

(Жаброил) айтди:

ПАЙҒАМБАРЛАР ТАРИХИ (18).

- Шундай. Роббинг дейди-ки, бу (иш) осондир. Биз у (болани) одамлар учун оят-мўъжиза ва Ўз томонимиздан бўлган раҳмат қилурмиз. Бу битган ишдир (44).

Эсла (Эй Мухаммад), фаришталар:

- Ё Марям, албатта Аллоҳ сенга Ўзининг сўзини хушхабар қилиб берадики, унинг исми ал-Масих Ийсо бинни Марям бўлиб, дунё-ю охирада обрўли ва (Аллоҳнинг) яқинларидан бўлур, ҳамда одамларга гўдаклик пайтида ҳам вояга етган чоғидагидек гапирур. Ва солих бандалардан бўлур, — деганларида, Марям:

- Парвардигорим, менга одамзод тегмаган бўлса, қаёқдан менда фарзанд бўлсин? — деди.

Аллоҳ айтди:

- Шундай, Аллоҳ ўзи хоҳлаган нарсасини (ўзи хоҳлаган суратда) яратади. Қачон бирон ишни ирода қилса, унга “Бўл!” — дейди. Бас, у иш бўлади.

Ва унга (Ийсога) ёзиш ва ҳикмат илмини, “Таврот” ва “Инжил”ни таълим беради ҳамда уни Бани Исроил қавмига пайғамбар қилади (Ийсо бани Исроилга дейди):

“Мен (ўзимнинг ҳақ пайғамбар эканлигим ҳақида) сизларга Роббингиздан оят-далил келтирдим: Мен сизларга лойдан қуш тимсолини ясаб уни пуфласам, у Аллоҳнинг изни-иродаси билан, ҳақиқий қуш бўлади. Ва яна кўр, пес касалларини тузата оламан ва Аллоҳнинг изни билан, ўликни тирилтираман ҳамда сизларга ейдиган ва уйларингизда сақлайдиган нарсаларингизни айтиб беришга қодирман. Агар мўмин бўлсангизлар, албатта бу

ишларда сизлар учун аниқ оят-далиллар бордир”.

(Мен) сизларга ўзимдан олдинги “Таврот”нинг (ҳақ эканлигини) тасдиқловчи бўлган ҳолда, сизлар учун ҳаром қилинган айрим нарсаларни ҳалол қилиш учун (келдим). Ва сизларга Роббингиздан оят-далил келтирдим. Бас, Аллоҳдан кўркингиз ва менга итоат қилингиз! Албатта, Аллоҳ менинг Роббим ва Роббингиздир. Бас, унга бандалик қилингиз! Мана шу тўғри йўлдир (45)!

Яна ўз номусини сақлаган аёлни (яъни, Марямни эсланг). Бас, Биз ўз тарафимиздан бўлган руҳни унга пуфладик (ва у Ийсога хомиладор бўлди) ва уни ҳамда ўғлини барча

оламлар учун оят-ибрат қилдик (46)

Яна (иймон келтирган зотлар ҳақида) ўз номусини сақлаган аёлни — Марям бинти Имронни (мисол келтирдик). Бас, Биз Ўз тарафимиздан бўлган руҳни унга уфурдик (ва у Ийсога хомиладор бўлди). У Роббининг сўзларини ва Китобларини тасдиқ этди ҳамда (Аллоҳнинг амрига) итоат этгувилардан бўлди (47).

Ривоятга кўра, Жаброил алайҳиссалом Ҳазрати Марямнинг ёнига келиб, унинг кўйлаги ёқасидан уфурган ва уфурик унинг раҳмига тушган (48).

Ниҳоят, (Марям) унга (Ийсога) хомила қолди (49).

Ҳазрати Марямнинг амакисининг ўғли Юсуф билан муноқашаси

Ҳазрати Марямнинг хомиласини кўриб, ҳайратга тушган (50) ва бу ҳусусда илк сўз айтган, Ҳазрати Марямнинг амакисининг ўғли Юсуф бин Ёқуб бўлди (51).

У пайтда Масжидга Ҳазрати Марям билан Юсуфдан ҳам кўпроқ хизмат қилган ва улардан ҳам кўпроқ ибодат этган киши йўқ эди (52).

Юсуф Ҳазрати Марямнинг хомилагини бир ёмонлик ҳисоблаб, уни айблашга ҳам ботина олмасди. Лекин барибир унга гапирди:

-Сенинг ишинг ҳақида кўнглимга тушган шубҳани ўлгунча қалбимга кўяман, — деб орзу қилгандим, аммо бу иш мени енгди. Қалбимни фарохлатмоқ учун бу ҳусусда сен билан гаплашишни уйғун кўрдим,

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

— деди Юсуф бин Ёқуб,
- Ундай бўлса, гўзал бир сўз сўйла, — деди Ҳазрати Марям.

- Мен фақат гўзал сўйлаяжакман. Айтчи, тухумсиз экин битарми?

- Ҳа, битади, — деди Ҳазрати Марям.

- Бир дарахт, унга ёмғир тушмаса, ўса оладими?, — деб сўради яна Юсуф бин Ёқуб

- Ҳа, ўсади, — деди Ҳазрати Марям.

- Ҳеч эркак бўлмасдан бола бўладими! — деди Юсуф бин Ёқуб.

- Ҳа, бўлади, — деди Ҳазрати Марям, — сен Аллоҳнинг экинни илк яратганида тухумсиз яратилганини билмайсанми?

Аллоҳнинг аввал ёғочни ёмғирсиз яратганини билмайсанми? Унинг — ёғочни ҳам, ёмғирни ҳам алоҳида яратгандан кейин, ёмғирни ёғочнинг ҳаётига васила этганини билмайсанми?

- Мен ундай демаяпман. Аллоҳ истаганини қилишга кодир, “бўл” деса — ҳар нарса бўлади, — деди Юсуф бин Ёқуб.

- Сен Аллоҳу Таолонинг Одамни ва унинг завжасини ҳам эркаксиз яратганини билмайсанми?, — деб сўради Марям яна.

- Биламан, — деди Юсуф.

ПАЙҒАМБАРЛАР ТАРИХИ (18).

Ҳазрати Марямнинг бу гапларидан кейин Юсуф ундаги нарсанинг Аллоҳ тарафидан келган бир нарса бўлиши мумкинлиги ҳақида ўйлаб, то Ҳазрати Марямнинг ўзи айтмаса, ундан ҳеч нарса сўрамасликка қарор қилди (53).

Шундан кейин Юсуф Масжиднинг бутун хизматларини ўз зиммасига олди. Ҳазрати Марямнинг қилиб юрган ишларини ҳам у қила бошлади. Чунки Ҳазрати Марямнинг ориқлаб, рангининг сарғайганлигини, қорнининг каттайганлигини, дармонсизлашганини кўриб турарди (54). Ҳолбуки, у авваллари ундай эмасди (55).

Ҳазрати Марямнинг туғиши яқинлашганда, Аллоҳу Таоло унга Байтулмақдис ичида Аллоҳу Таолонинг исми юксалтирилиб, покланажак бир маъбад бўлажагини эслатди.

Шунда Ҳазрати Марям Масжиддан чиқиб, холасининг, яъни Яхё алайҳиссаломнинг уйига кўчиб ўтди.

У ерга борганида, Яхё алайҳиссаломнинг онаси оёққа калқди ва Ҳазрати Марямни қаршилади...

Уйига қабул қилиб, Ҳазрати Марямга:

- Эй Марям, менинг қорнимдагининг сенинг қорнингдагига таъзим этганини ҳис этдим, — деди (57).

Ҳомилалик ва туғилиш ходисаси тўғрисида Қуръони Каримдаги баён

Аллоҳу Таоло ҳомилалик ва туғилиш ходисасини Қуръони Каримда шундай баён қилади:

“Бас (Марям) унга ҳомиладор бўлиб, у билан бирга, йироқ бир жойга кетди. тўлғоқ азоби уни бир хурмо дарахтининг шохига олиб борди (ва у шохга осилган ҳолда кўзи ёригач) деди:

- Қани, мана шу (кундан) илгари ўлиб кетсаму, бутунлай унутилиб кетсам!

Шунда (хурмо дарахтининг) ортидан (Жаброил) нидо қилди:

- Ғамгин бўлма, Роббинг (оёқ) остингдан бир ариқ оқизиб кўйди. (Мана шу кўрганнинг) хурмо шохини силкитгин, у сенга янги хурмо меваларини ташлар. Энди сен еб ичгин, шод-хуррам бўлгин. Агар одамзотдан биронтасини кўриб

қолсанг (ва у сендан бу боланинг отаси ҳақида сўраса) у ҳолда:

- Мен Раҳмон йўлида рўза тутмоқни назр (аҳд) қилганман, бас, бугун инсонга сўзламайман, — дегин.

Сўнг (Марям боласини) кўтарган ҳолда қавмига келганда, улар:

- Эй Марям, сен ҳеч ким қилмаган ишни қилдинг-ку! Эй Ҳоруннинг синглиси, сенинг отанг ёмон одам эмас, онанг ҳам фоҳиша эмас эди-ку!, — дедилар.

Шунда (Марям сўзга оғиз очмасдан боласига) ишора қилди (яъни, унинг ўзидан сўранглр, деди).

Улар айтдилар:

- Бешиқдаги гўдак билан қандай сўзлашурмиз?!

(Шу пайт чақалоқ, яъни Исо тилга кириб) деди:

- Мен Аллоҳнинг қулиман. У зот менга китоб Инжил ато этди ва мени пайғамбар қилди. Яна мени қаерда бўлсам, хайру баракатли қилди ва токи ҳаёт эканман, намозни (адо этишни) ва закотни (адо этишни) амр қилди. Шунингдек, (Аллоҳ)

мени онамга меҳрибон қилди ва мени ситамкор бадбахт қилмади. Менга туғилган кунимда ҳам, вафот этадиган кунимда ҳам, қайта тириладиган кунимда ҳам тинчлик омонлик бўлур (58).

Бундан кейин Исо алайҳиссалом ўз тенгдошлари каби, гаплашадиган ёшга тўлмагунча ҳеч гапирмаган (59). Фақат Ҳазрати Марям:

“У қорнимда экан, танҳолигимда мен билан гаплашар эди. Одамлар ичида бўлсам, қорнимда тасбиҳ айтарди”, — дерди (60).

Исроил ўғиллари Марямни зино этди, деб ўйлаб (61), уни тошбўрон қилиб ўлдиришга шайланган эдилар. Исо алайҳиссаломнинг гапирганини кўриб, уни қўйиб юбордилар (62). Исроил ўғиллари куфрга тушишининг сабабларидан бири ҳам (63) номусини бир қалъа каби кўриган (64) (Ҳазрати) Марямга зино иснод (ва ифтиро) этганлари эди (65).

Исо алайҳиссалом Байтуллаҳда туғилди (66).

Байтуллаҳ Батулмақдисга яқин бир ердир (67).

Ҳазрати Марям билан Исо алайҳиссаломнинг Мисрга кетиши

Аллоҳу Таоло Ҳазрати Марямга қавми бўлган Исроил ўғилларининг (68) уни ҳам (69), ўғлини ҳам ўлдиришга ҳаракат қилажагини (71), тезда юртдан, чиқиб кетиши кераклигини илҳом орқали ваҳий этди.

Ҳазрати Марям билан Исо алайҳиссаломни амаки ўғли Юсуф нажор эшакка миндириб, шошилиқчи Мисрга олиб бориб кўйди (72)

Она-ўғил Мисрда бир тепага ерлашдилар (73). Бу хусусда Қуръони Каримда шундай ифода бор: “Уларни оқар суви бўлган баланд — кўркам қароргоҳга жойлажик.” (74)

Миср ҳаёти ва Исо алайҳиссалом

Ҳазрати Марям Мисрда 12 йил қолди ва Исо алайҳиссаломни халқдан яширди (75).

Ҳеч ким Исо алайҳиссалом унинг ўғли эканини билмади.

Ҳазрати Марям ўғлини ҳеч кимга ишонмасди.

Бир ерда экин бичилганини эшитса (76), дарҳол ўғлини бешигидан олиб, қўлида қоп, далага бориб, бошоқ тўпларди.

(Давоми келгуси сонда)

Ўзбекистонда бозор ёнибди, десалар, ҳеч ким ажабланмайдиган замонлар бошланди. Бозорларнинг ёниб кулга айланиши, одамларнинг ҳизбу таҳрир ёки ваҳоббийчилик билан айбланишидек бир гап бўлиб қолди.

Шу кунларда, бозорларнинг кадр-қиммати ўзбек мардикорлариникидан ҳам паст даражага тушди. Давлат мулозимлари га ёқмаган кимсаларни жазога тортиш учун жиддий сабаб ахтаришга ҳожат қолмагани каби бозорларга ўт кўйиш учун ҳам жиддий сабаб қолмади.

Бозор ёнса, эски муаммолар ҳам бозорга кўшилиб кулга айланади. Таги-туги билан ёнғинга учраган Сиренгетти



Бозорларни ўзлари ёқмоқдалар

табиати қайтадан уйғониб, ям-яшил бўлгани сингари бозорлар ёнса, қайта қуриш ишлари авж олади. Янгидан қурилган дўконлар, яна қайта бошқадан сотилади. Қайта қуриш учун ажратилган маблағлардан кимса билмас чегирган масъулларнинг куни туғиб, янгидан-янги қасрлари қад кўтаради, янги дачалар пайдо бўлади.

Икки бармоғини бурнига тикиб ўтирган бозорқўм ва унинг атрофидагиларнинг чўнтақлари дўппайиб, бозорга олов берган гуруҳлардан улар ичларида миннатдор бўладилар.

Ҳар сафар тижоратчиларнинг ва кимса билмас баъзи бир ишларга пул тикканларнинг уйлари куяди, холос. Бир умришлаб, йиққанларига жой сотиб олган бечоралар, ҳар сафар чув тушадилар.

Йиқилган курашдан тўймас деганларидек, ҳар сафар бутун топган-тутгани сувга оққанларнинг ўрнига бошқалари ҳозир нозир туради.

Орадан бир-икки йил ўтмай, яна бозорга ўт кетади. Уларнинг ҳам уйи куйиб, орқаларида навбатда турганлар янги қурилган дўконлардан сотиб олиш учун қўлларида борларини тикаверадилар, тикаверадилар...

Бутун Ўзбекистон бозорларидаги воқеалар эски чархпалак мисоли, мустақиллик йилларида бир хилда айланади.

Ишсизлик ҳаддан ошган, саноати, завод-фабрикалари йигирма уч йил олдин касодга

қилишнинг имкони бўлмаган. Қолаверса, жорий ҳукуматнинг талаби ҳам шу. Вақти етиб муқаррар ёниши лозим бўлган бозорни замон талаблари асосида бунёд этишнинг ҳеч қанақа зарурти йўқ-да, ахир.

Мамлакатдаги бошқа

бозорларнинг тақдири ҳам охир-оқибат Чорсу бозориники сингари ҳар сафар аянчли бир тарзда яқун топади. Чорсу каби пойтахт бозорларига ҳар сафар ўт кўйилганда, одамлар уларнинг ҳолидан хабардор бўладилар. Вилоятлардаги бозорлар минг марта ёндирилса ҳам, ҳеч ким уларнинг оҳ-зорини эшитмайди. Пойтахтдаги бозорлар билан вилоятлардаги бозорларнинг бир-бирларидан тафовутланадиган жиҳати ҳам, мана шу.

Уларнинг бошқа бир-бирларидан фарқланадиган томонлари йўқ.

Яқинда ёниб кул бўлган Чинни бозори билан Тўсин бозорининг ҳам бошига юқоридаги бозорларнинг куни тушди. Баҳонада уларни қайта қуриб қайтадан сотадилар.

Ҳукуматга яқин кимсалар, яна шу йўл билан бойлик орттирадилар. Буни тушунмаган баъзи бировлар, МХХ билан ИИВлиги бир-бири билан келишмай қолибди, эмиш. Ички ишларининг янги вазири миллий хавфсизликнинг генралларини қамабтимиш. Шу учун улар жой талашиб, бир-бирларининг ҳудудларига ўт кўяётганмиш.

Шундай қилмаса, янги ички ишлар вазири қон босими ошиб, ўлим тўшагида ётган Рустам Иноятовни қамармиш, ҳаммасининг орқасида Гугуша турганмиш, деб юраверадилар.

Аслида, уларнинг ҳаммаларининг тили битта эканлигини, уларнинг бошида президентнинг ўзи турганини, барча жинойтлар президентнинг буйруғи билан амалга оширилаётганлигини кўплар билмайдилар.

Биладиганлар ошкор этишдан манфаатдор бўлмаганлари учун дамани ичига ютадилар...

Эргаш Сулаймон

Ўзбекистон ҳукумати ўз қарори билан тадбиркорлик субъектларини хайрия ҳамда пул ажратиш билан боғлиқ бошқа тадбирларга мажбуран жалб қилишни тақиқлаб қўйди. Бу ҳақда poma.uz хабар берди. Эндиликда бундай ёрдам фақат ихтиёрий ва беғараз асосларда кўрсатилади.

2014 йилнинг 12 августида қабул қилинган Вазирлар Маҳкамасининг 227-сонли Қароридан тадбиркорлик субъектларини хайрияга мажбурлаш маън этилиши, улар ўз ёрдамлари фақат қонунчиликда кўзда тутилгани каби ихтиёрий ва беғараз йўсинда кўрсатиши мумкинлиги ҳамда бу ёрдам



ЎХХ ТАҲЛИЛИ: ХАЙРИЯ ИШЛАРИГА ЖАЛБ ҚИЛИШДА ИХТИЁРИЙЛИК ВА МАЖБУРИЙЛИК

мақсадга мувофиқ сарфланиши лозимлиги қайд этилади.

Ҳукумат қарори билан тасдиқланган «Бюджет ташкилотларининг хайрия тартибда тадбиркорлик субъектларидан воситаларидан фойдаланиши тўғрисидаги Низом»да тадбиркорлик субъектлари мазкур ёрдам воситасида амалга оширилаётган ишнинг исталган босқичда маблағларнинг мақсадга нақадар мувофиқ ишлатилаётганини текшириш ҳуқуқига эгаллиги белгиланган.

Ҳукумат қароридан тадбиркорлик субъектларини хайрия тадбирларига мажбуран жалб қилган давлат бошқаруви органлари, жойлардаги давлат ҳокимияти органлари ва бюджет ташкилотлари раҳбарлари қонунчиликка мувофиқ равишда жавобгарликка тортилиши ҳам таъкидланган.

Ўзбекистон парламенти аъзолари йил охирига қадар тадбиркорлик субъектларини хайрия ҳамда пул ажратиш билан боғлиқ бошқа тадбирларга мажбуран жалб қилганлик учун маъмурий ва жиноий жавобгарликни ўрnatувчи қонунчиликка ўзгартишлар киритишни режалаштиришмоқда.

Мазкур қонун ости актининг қабул қилиниши билан Ўзбекистон миллий қонунчилиги базаси яна бир қонун ижодкорлиги тамойилларига мос келмайдиган ғайриоддий норматив ҳужжат билан тўлдирилди. Буни қуйидагилар билан изоҳлаш мумкин.

1. Демократик тамойиллар нуқтаи назаридан келиб чиқилса

юқоридаги қонун ости актисиз ҳам ҳеч қайси тадбиркорлик субъекти бюджет ташкилотлари томонидан турли хил тадбирларга мажбуран жалб қилиниши мумкин эмас. Бюджет ташкилотлари ва давлат органларининг тадбиркорлик субъектлари фаолиятига аралашуви ёки уларни хайрияга мажбурлаши каби ҳуқуққа зид бўлган ҳаракатларга йўл қўймаслик хусусий тадбиркорлик фаолиятини тартибша солишга қаратилган умумий қонунчилик билан тартибга солинган. Хусусан, 2012 йил 2 майда янги таҳрирда қабул қилинган, «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг қафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 11-моддасида: «Тадбиркорлик фаолияти субъекти ҳуқуқларининг устуворлиги тадбиркорлик фаолияти субъектларининг давлат органлари, шу жумладан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органлар, шунингдек банклар билан ўзаро муносабатларида тадбиркорлик фаолияти субъекти ҳуқуқларининг устуворлиги принципи амал қилиб, унга мувофиқ қонун ҳужжатларида тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ ҳолда юзага келадиган барча бартараф этиб бўлмайдиган зиддиятлар ва ноаниқликлар тадбиркорлик фаолияти субъектининг фойдасига талқин этилади», -деган норма белгиланган.

Ушбу моддада эътироф этилган норманинг амалиётга тадбиқ этилиши учун алоҳида қонун ости акти қабул қилиниши талаб

қилинмайди, балки унинг ҳар қандай тарздаги бузилиши ўз-ўзидан давлат органлари учун ҳуқуқий жавобгарликни келтириб чиқаради.

Вазирлар Маҳкамаси қарори билан «Бюджет ташкилотларининг хайрия тартибда тадбиркорлик субъектлари воситаларидан фойдаланиши тўғрисидаги Низом»нинг тасдиқланиши айнан беғараз ва ихтиёрий равишдаги тадбиркорлик субъектлари ёрдамидан фойдаланиш қоидаларини белгилаб қўйилди. Шунга қарамасдан, мазкур Низомга тадбиркорлик субъектларини хайрия тадбирларига мажбуран жалб қилишни таъқиқловчи қоидалар ҳам киритилди.

Бу эса, юқорида тилга олинган «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг қафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 11-моддаси амалда ҳеч қандай аҳамият касб этмаганидан далолат беради. Бундан ташқари, хайрия ҳамда пул ажратиш билан боғлиқ бошқа тадбирларга мажбуран жалб қилиш каби ҳаракатларга норматив қонунчиликда меъёрлар ўрnatиш орқали таъқиқ қўйилиши жамиятда мазкур фактни тасдиқловчи ҳолатларнинг авж олганлигини билдиради.

2. Вазирлар Маҳкамаси қарори билан тасдиқланган Низомнинг моҳиятига эътибор қилинса бу ерда гап фақат тадбиркорлик субъектларини хайрия ҳамда пул ажратиш билан боғлиқ бошқа

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

тадбирларга мажбуран жалб қилишни таъқиқлаш ҳақида бормоқда.

«Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 4-моддасига кўра, тадбиркорлик фаолияти субъектлари (тадбиркорлик субъектлари) белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтган ҳамда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган юридик ва жисмоний шахслардир.

Демак Низом тадбиркорлик фаолият билан шуғулланмайдиган жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларига даҳл қилмайди. Шу ўринда, давлат органлари ва бюджет ташкилотлари томонидан тадбиркорлик субъектлари бўлмаган жисмоний ва юридик шахсларнинг ёрдамидан фойдаланишни тартибга солишга қаратилган Низом қабул қилиш эҳтиёжи юзага келмайдими деган савол туғилади.

Чунки тадбиркорлик субъектларининг мажбурий

тарзда турли хил хайрия тадбирларига жалб қилингани тадбиркорлик субъекти бўлмаган жисмоний шахслар, биринчи навбатда бюджет ташкилотлари ходимлари мажбурий равишда пул ажратиш билан боғлиқ турли хил тадбирларга ёки мажбурий меҳнатга жалб қилиниб келмоқда. Бунга, мактаб ўқитувчиларининг мажбурий тарзда турли хил газета ва журналларга обуна қилиниши, ёки пахта мавсумида мажбурий меҳнат ҳисобланган теримдан маълум миқдордаги пул бадаллари йиғиб бериш орқали озод бўлиши каби ноқонуний ҳолатларни мисол келтириш мумкин.

Ҳар бир жисмоний шахс, табиркорлик субъекти бўлиши ёки бўлмаслигидан қатъий назар мажбурий меҳнатдан (тадбирлар) ҳимояланишини таъминлашга қаратилган нормалар биринчи навбатда Конституцияда ва умумий қонунчиликда жой олган. Худди шу сингари юқорида таъкидлаганимиздек тадбиркорлик субъектлари ҳам давлат органлари ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг улар фаолиятига ҳар қандай турдаги аралашувини

таъқиқловчи нормалар умумий қонунчиликда мавжуддир.

Бундан хулоса қилиб айтиш мумкинки, жамиятда маълум бир қатлам ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган ҳукумат қарорларининг қабул қилиниши, мазкур жамиятда Конституция ва Парламент томонидан қабул қилинадиган қонунларнинг ҳаётга тўла равишда тадбиқ қилинмаганидан дарак беради. Албатта, бу умумий бир қоида сифати давлат органларининг хайрия тартибда тадбиркорлик субъектлари воситаларидан фойдаланишини тартибга солувчи Низом ёки бошқа ҳужжатларнинг қабул қилинишини инкор қилмайди.

Бирок, асосий масала бундай ҳужжатларда бюджет ташкилотларининг тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларини бузувчи ҳаракатларига нисбатан таъқиқловчи нормаларнинг киритилишидир. Бу эса, тадбиркорлик фаолиятини муҳофаза қилишга қаратилган умумий қонунчиликдаги нормаларнинг такрорий равишда Низомга киритилганлигини билдиради.

ЎХХ таҳлил бўлими

Гулнора Каримова: 'Бизни итлардан ҳам баттар сақлашмоқда'

Би-Би-Сига эксклюзив равишда йўлланган видео ва аудио тасмада Ўзбекистон Президентининг тўнғич қизи Гулнора Каримова ўзи ва қизи Имоннинг Тошкентдаги уй ҳибсида «итдан ҳам баттар аҳволда» ушлаб турилганликларини айтган.

«Бизни уйда ушлаб туришибди. Уйдан ташқарига кадам ҳам босолмаймиз. Бизни итдан ҳам баттар шароитларда ушлаб туришибди. Менинг бармоқларимни синдирмоқчи бўлишди, руҳий босим ўтказишмоқда, уйимиз буткул ишғол қилинган», — деб айтган Каримова хоним.

Мобил телефони воситасида суратга олинган видеотасвирларда эса Гулнора Каримова ва унинг фарзандлари — Ислон ва Имоннинг, афтидан Президент Ислон Каримовнинг Дўрмондаги қароргоҳига киришга уринишлари акс этган.

Қишда олинган тасвирларда фуқаро ва ҳарбий кийимдаги шахслар Гулнора Каримова ҳамда фарзандларини тўхтагиб қолишга уринаётганини кўриш мумкин.

Уларнинг орасида қуроллилар ҳам бор ва видеода «қуролни оп қўй» деган овоз эшитилади.

Видеода Гулнора Каримованинг «Ота, ота!» деб қичқирганлари ва «Мен барибир ўтам» деган хитоблари эшитилади.

Видеонинг қачон олингани маълум эмас, аммо унда Каримова хоним ва атрофидагиларнинг гулдаста кўтариб бораётгани акс этган.

Аввалроқ унинг ўғли-кичкина Ислон Каримов ўзининг туғилган кунда бобосини зиёрат қилишга уринганликлари, аммо бунга муваффақ бўлолмаганликларини айтган эди.

Шу йилнинг июнида Россия телеканалига берган интервьюсида у онаси ва синглисидан ҳеч қандай хабар йўқлиги, уларнинг соғлиғидан ташвишда эканини айтган.

Британиядаги Оксфорд университетиде таҳсил олаётгани айтилган кичкина Ислон Каримов июл ойида Интерфакс хабар агентлиги билан суҳбатда онаси Ўзбекистонни тарк этгани ҳақидаги хабарларни рад этган. Ўтган ой Ўзбекистон маҳкамаси Гулнора Каримованинг яқин шерикларини узоқ йиллик қамоқ жазоларига маҳкум этган эди.

Ўзбекистон Бош прокуратураси Рустам Мадумаров ва Гаянэ Авакянларни қатор иқтисодий жиноятлар, жумладан, солиқ ва валюта жиноятларида айблаган. Дипломатик тажриба ва йирик сармоёга эга бўлган 42 ёшли Гулнора Каримова отасининг сиёсий меросхўрларидан бири сифатида кўрилган, аммо ўтган йил кузида муаммоларга юз тутган эди.

Гулнора Каримованинг Фонд Форум ташкилоти ва унга қаршли экани айтилган қатор телеканал, студия ва нашрлар фаолияти тўхтатилган.

Унинг ўзи Твиттердаги чиқишларида мамлакат хавфсизлик хизмати раҳбарларини коррупция, Президентни ихоталаб кўйиш ва давлат тўнтаришига уринишда айблаган. Гулнора Каримова ўзига қарши ҳаракатлар ортида онаси Татяна Каримова ҳамда синглиси Лола Каримовалар турганини илдоо қилган.

Ўзбекистоннинг ЮНЕСКОдаги элчиси бўлган Лола Каримова ўтган йил сентябрида Би-би-си Ўзбек Хизматида берган эксклюзив интервьюсида онаси билан 12 йилдан буён гаплашмасликлари ва Гулнора Каримованинг президентликка даъвогар сифатида «имкониятлари катта эмаслиги»ни айтган. Сешанба кун Президент Ислон Каримов ўз оиласидаги можаро бошидан буён илк марта рафикаси Татяна Акбарова билан бирга Хитойга сафар қилган.

Манба: bbc.co.uk

“ERKIN YURT”

интернет-газетаси
Ўзбекистон Халқ Ҳаракати расмий
нашри
www.uzxalqharakati.com/erkin yurt
Муҳаррир: Замир Малик